

هَدِيَّة  
HÄDIYAH



# ЗУЛ-ҲИЖЖА ОЙИНИНГ АВВАЛГИ ЎН КУНИНИНГ ФАЗИЛАТИ

فضل عشر ذي الحجة

Ўзбек

أوزبكي



Мажидул Ҳаром ва Мажидун Набавийдаги Диний  
ишлар бошқармаси қошидаги Илмий қўмита

فَضْلُ عَشْرِ ذِي الْحِجَّةِ

**ЗУЛ-ҲИЖЖА ОЙИНИНГ  
АВВАЛГИ ЎН КУНИНИНГ  
ФАЗИЛАТИ**

اللَّجْنَةُ الْعِلْمِيَّةُ

بِرئاسة الشُّؤْنِ الدِّيْنِيَّةِ بِالمَسْجِدِ الحَرَامِ وَالمَسْجِدِ النَّبَوِيِّ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## Зул-ҳижжа ойининг аввалги ўн кунининг фазилати

### Муқаддима

Оламлар Рабби Аллоҳ таолога ҳамдлар ва оламларга раҳмат қилиб юборилган Зотга, аҳли оилаларига, асҳобларига ҳамда қиёмат кунигача суннатлари ва йўлларига эргашганларга салавоту саломлар бўлсин!

Бу мўжаз рисола Зул-ҳижжа ойининг аввалги ўн куни ҳақида ҳар бир мусулмон билиши керак бўлган нарсаларни ўз ичига олган. Бу рисолани шарафли Ҳарамайн (Макка ва Мадина) зиёратчилари ўз динлари ҳақида илмга ва басиратга эга бўлишлари учун жамладим. Карим ва Маннон бўлган Аллоҳ таолодан бу рисолани манфаатли қилишини ва Унинг юзини истаб ёзилган рисолалардан қилишини сўрайман. Албатта, У Зот сўралганларнинг энг яхшиси ва умид қилинганларнинг энг саҳийсидир.

## Зул-ҳижжа ойининг аввалги ўн кунининг фазилати

Зул-ҳижжа ойининг аввалги ўн кунининг фазилати улуғ бўлиб, буни Аллоҳ таоло Ўз китобида ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз суннатларида баён қилганлар. Аллоҳ таоло ўз китобида бу кунлар билан қасам ичиб шундай дейди:

﴿وَالْفَجْرِ ۝ وَلَيَالٍ عَشْرٍ ۝﴾

*«Фажр билан қасам.*

*Ва ўн кеча билан қасам».* [Фажр: 1-2]. Бу тунлардан мурод Ибн Аббос, Ибн Зубайр, Мужоҳид, Ибн Касир, Ибн Қаййим ва яна бошқа олдинги ва ҳозирги уламолар сўзларига кўра Зул-ҳижжа ойининг аввалги ўн кунидир.<sup>1</sup>

Бу кунлардаги амаллар Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан ҳам афзалдир. Сабаби Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«مَا مِنْ أَيَّامٍ الْعَمَلُ الصَّالِحُ فِيهِنَّ أَحَبُّ إِلَى اللَّهِ مِنْ هَذِهِ الْأَيَّامِ الْعَشْرِ»، قَالُوا:

---

<sup>1</sup> Тафсир Ибн Касир (4/106) ва Задул маъод (1/56).

يَا رَسُولَ اللَّهِ! وَلَا الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَلَا الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، إِلَّا رَجُلٌ خَرَجَ بِنَفْسِهِ وَمَالِهِ فَلَمْ يَرْجِعْ مِنْ ذَلِكَ بِشَيْءٍ».

«Аллоҳга мана шу кунларда, яъни, Зул-ҳижжа ойининг аввалги ўн кунда қилинадиган эзгу ишдан кўра суюклироқ амал йўқдир», дедилар. Саҳобалар: «Аллоҳ йўлидаги жиҳод ҳам тенг келмайдими», деб сўрашди. «Аллоҳ йўлидаги жиҳод ҳам. Фақат, бир киши ўз жони ва моли билан чиқиб, эвазига ҳеч нарса олиб қайтмасагина (шаҳид бўлиб қайтмоғи) мустасно», дедилар.<sup>1</sup>

## **Зул-ҳижжа ойининг аввалги ўн кунда бажариладиган амалларнинг фазилати:**

1. Ҳаж ва умра амалларини бажариш. Бу амаллар Зул-ҳижжа ойининг аввалги ўн кунлигида қилинадиган энг яхши амаллар. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«مَنْ حَجَّ هَذَا الْبَيْتِ فَلَمْ يَرْفُثْ وَلَمْ يَفْسُقْ رَجَعَ كَيَوْمٍ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ».

«Ким бу байтуллоҳга ҳаж қилса, беодоблик ва фосиқлик қилмаса, онасидан туғилгандай (гуноҳсиз) бўлиб қайтади», – дедилар. Имом Муслимнинг ривоятидаги лафзда:

---

<sup>1</sup> Имом Бухорий ва Тирмизий ривояти.

«مَنْ أَتَى هَذَا الْبَيْتَ فَلَمْ يَزُفْ وَلَمْ يَفْسُقْ؛ رَجَعَ كَيَوْمِ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ».

*«Ким бу байтуллоҳга келса, беодоблик ва фосиқлик қилмаса, онасидан тўғилгандай (беғуноҳ) бўлиб қайтади», – дейилган.<sup>1</sup> «Ким бу байтуллоҳга келса», деган сўзлари ҳажни ҳам, умрани ҳам ўз ичига олгани тушунилади. Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:*

*«الْعُمْرَةُ إِلَى الْعُمْرَةِ كَفَّارَةٌ لِمَا بَيْنَهُمَا، وَالْحَجُّ الْمَبْرُورُ لَيْسَ لَهُ جَزَاءٌ إِلَّا الْجَنَّةُ».*

*«Бир умра кейинги умрагача бўлган оралиқдаги гуноҳларга каффоратдир. Мабрур ҳажнинг мукофоти эса фақат жаннатдир!», – деганлар.<sup>2</sup>*

2. Биринчи тўққиз кунининг барчаси ёки бир қисмида рўза тутиш. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

*«مَا مِنْ أَيَّامٍ الْعَمَلُ الصَّالِحُ فِيهِنَّ أَحَبُّ إِلَى اللَّهِ مِنْ هَذِهِ الْأَيَّامِ الْعَشْرِ».*

*«Аллоҳга мана шу кунларда, яъни, Зул-ҳижжа ойининг аввалги ўн кунда қилинадиган эзгу ишдан кўра суюклироқ амал йўқдир», деганлар. Рўза эса, солиҳ амалларнинг энг буюкларидандир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам рўзага тарғиб қилганлар ундаганлар. Жумладан:*

---

<sup>1</sup> Бухорий ва Муслим ривояти.

<sup>2</sup> Бухорий ва Муслим ривояти.

«مَا مِنْ عَبْدٍ يَصُومُ يَوْمًا فِي سَبِيلِ اللَّهِ إِلَّا بَاعَدَ اللَّهُ بِذَلِكَ الْيَوْمِ وَجْهَهُ عَنِ النَّارِ سَبْعِينَ خَرِيفًا».

*«Қайси бир банда Аллоҳ йўлида бир кун рўза тутса, Аллоҳ ўша кунги рўзаси учун унинг юзини дўзахдан етмиш йилга узоқлаштирур», деган сўзлари.<sup>1</sup>*

3. Ҳайит ва ташриқ кунлари қурбонлик сўйиш маршруъ қилингандир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«صَحَى بِكَبْشَيْنِ أَمْلَحَيْنِ، أَقْرَنَيْنِ، ذَبَحَهُمَا بِيَدِهِ، وَسَمَى وَكَبَّرَ وَوَضَعَ رِجْلَهُ عَلَى صِفَاحِهِمَا».

*«Икки шохли ола қўчқорни қурбонлик қилдилар. Уларни ўз қўллари билан сўйдилар, "бисмиллоҳ"ни айтдилар, такбир айтдилар ва оёқларини (қўйнинг) бўйнига қўйдилар», деган ҳадис собит бўлган.<sup>2</sup>*

Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«مَا عَمِلَ ابْنُ آدَمَ مِنْ عَمَلٍ يَوْمَ النَّحْرِ أَحَبَّ إِلَى اللَّهِ مِنْ إِهْرَاقِ الدَّمِ، وَإِنَّهُ لَيُؤْتَى يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِقُرُونِهَا وَأَشْعَارِهَا وَأَظْلَافِهَا، وَإِنَّ الدَّمَ لَيَقَعُ مِنَ اللَّهِ بِمَكَانٍ قَبْلَ أَنْ يَقَعَ فِي الْأَرْضِ، فَطَيَّبُوا بِهَا نَفْسًا».

---

<sup>1</sup> Бухорий ва Муслим ривояти.

<sup>2</sup> Бухорий ва Муслим ривояти.

«Қурбонлик куні одам боласи қурбонлик қилишидан қўра бирор бир амал Аллоҳ таолога маҳбуброқ эмас. Қурбонликка сўйилган жонивор қиёмат куні ўз шоҳи, туёғи ва юнлари билан келади. Қурбонлик қони ерга тушишидан аввал Аллоҳ таолонинг ҳузуридаги хос мақомга тушади. Шунинг учун мамнуният билан қурбонлик қилинғлар», – деганлар.<sup>1</sup>

Агар Зул-ҳижжа ойининг аввалги ўн кунлиги кирса, қурбонлик қилмоқчи бўлган инсон сочи, тирноқ ва тукларини олишдан тийилиши лозим! Чунки, Умму Салама разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«إِذَا رَأَيْتُمْ هَلَالَ ذِي الْحِجَّةِ وَأَرَادَ أَحَدُكُمْ أَنْ يُضَيَّ؛ فَلْيُمْسِكْ عَنْ شَعْرِهِ وَأَظْفَارِهِ».

«Агар Зул-ҳижжанинг ҳилоли (янги ойини) кўрсангиз ва бирингиз қурбонлик қилмоқчи бўлса, сочи ва тирноқларини олишдан тўхтасин», – деганлар. Бошқа бир лафзда:

«... فَلَا يَأْخُذَنَّ مِنْ شَعْرِهِ وَلَا مِنْ أَظْفَارِهِ شَيْئًا حَتَّى يُضَيَّ».

«... Қурбонликни сўймагунча сочи ва тирноқларини олмасин!».<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> Тирмизий ривояти.

<sup>2</sup> Имом Муслим ривояти.

4. Бу ўн кун ва ташриқ кунларида такбир, таҳлил ва зикр қилиш. Чунки Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«مَا مِنْ أَيَّامٍ أَعْظَمَ عِنْدَ اللَّهِ وَلَا أَحَبُّ إِلَيْهِ مِنَ الْعَمَلِ فِيهِنَّ مِنْ هَذِهِ الْأَيَّامِ الْعَشْرِ، فَأَكْثَرُوا فِيهِنَّ: مِنَ التَّهْلِيلِ، وَالتَّكْبِيرِ، وَالتَّحْمِيدِ».

*«Аллоҳга мана шу кунларда, яъни, Зул-ҳижжа ойининг аввалги ўн кунда қилинадиган эзгу ишдан кўра суюклироқ амал йўқдир. Бу кунларда : Таҳлил, такбир ва ҳамд айтишни қўпайтиринг!», – деганлар.<sup>1</sup>*

Такбир икки қисмга бўлинади. Улар қуйидагилар:

Биринчи қисм: Мутлақ такбир. У намозлардан кейин ёки бошқа бир вақтга боғланмаган, аксинча, барча вақтларда айтиш машруъдир.

Мутлоқ такбир ўн кунликнинг биринчи кунидан ташриқ кунларининг охиригача давом этади. Ҳар доим, куну тунда, йўлда, бозорда, масжидларда, уйларда ва зикр қилиш жоиз бўлган барча жойларда такбир айтиш

---

<sup>1</sup> Аҳмад ривояти.

машруъдир.

Иккинчи қисм: Муқайяд такбир. У хусусан Қурбон ҳайитда намозларнинг охирида айтиладиган зикр. Унинг вақти ва айтилиш тарзи қуйидагича:

1. Муқайяд такбир Арафа куни бомдод намозидан кейин бошланади ва ташриқ кунларининг учунчи кунда аср намозида тугайди. Бу ҳажга бормаган инсонга тегишли. Ҳожилар эса, муқайяд такбирни ҳайит куни пешиндан кейин бошлайди.

2. Такбирнинг айтилиш сифати: «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Лаа илааҳа иллаллоҳ, вАллоҳу акбар Аллоҳу акбар валиллаҳил ҳамд».<sup>1</sup>

5. Ҳажга бормаган киши ҳайит намозини ўқишга, эртароқ боришга ва хутбани тинглашга ҳарис бўлиши лозим. Албатта, у исломнинг энг улуғ шиорларидандир. Шунчалик улуғлигидан унга аёллар, ҳатто, бокиралар ва ой кундаги аёллар ҳам чиқишга буюрилган. Умму Атийя

---

<sup>1</sup> Ибн Қудоманинг «Мўғний» китоби (3/290) Шарҳул кабийр маъал Мўқниъ вал инсоф (5/380).

разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«كُنَّا نُؤْمَرُ أَنْ نُخْرَجَ يَوْمَ الْعِيدِ حَتَّى نُخْرِجَ الْبَكْرَ مِنْ خِذْرِهَا، حَتَّى نُخْرِجَ الْحَيَّضَ فَيَكُنَّ خَلْفَ النَّاسِ، فَيَكْبُرْنَ بِتَكْبِيرِهِمْ، وَيَدْعُونَ بِدَعَائِهِمْ، وَيَرْجُونَ بَرَكَةَ ذَلِكَ الْيَوْمِ وَظَهَارَتِهِ».

*«Бизлар ҳайит куни (намозгоҳга) чиқишга буюрилардик, ҳатто, бўйқизлар ва ҳайзли аёллар ҳам чиқишар ва одамларнинг орқасида туриб, улар такбир айтса такбир айтишар, дуоларига шерик бўлишар, шу куннинг баракоти ва поклигидан умидвор бўлишарди».* Бошқа бир лафзда:

«وَأَمَرَ الْحَيَّضَ أَنْ يَغْتَزِلْنَ مُصَلَّى الْمُسْلِمِينَ».

*«Ҳайзли аёлларни муслмонлар намозгоҳидан четланишга буюрдилар».*<sup>1</sup>

6. Солиҳ амалларни кўпайтириш. Масалан, нафл ибодатлар: Намоз, садақа, Қуръони карим тиловати, яхшиликка буюриб ёмонликдан қайтариш, қўшниларга яхшилик қилиш, силаи раҳм ва шу каби кўпгина солиҳ амаллар. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари умумий айтилган:

«مَا مِنْ أَيَّامٍ الْعَمَلُ الصَّالِحُ فِيهِنَّ أَحَبُّ إِلَى اللَّهِ مِنْ هَذِهِ الْأَيَّامِ الْعَشْرِ»، قَالُوا:

---

<sup>1</sup> Имом Бухорий ва Муслим ривояти.

يَا رَسُولَ اللَّهِ! وَلَا الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ :  
«وَلَا الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، إِلَّا رَجُلٌ خَرَجَ بِنَفْسِهِ وَمَالِهِ فَلَمْ يَرْجِعْ مِنْ ذَلِكَ بِشَيْءٍ».

*«Аллоҳга мана шу кунларда, яъни, Зул-ҳижжа ойининг аввалги ўн кунда қилинадиган эзгу ишдан кўра суюклироқ амал йўқдир», дедилар. Саҳобалар: «Аллоҳ йўлидаги жиҳод ҳам тенг келмайдими», деб сўрашди. «Аллоҳ йўлидаги жиҳод ҳам. Фақат бир киши ўз жони ва моли билан чиқиб, эвазига ҳеч нарса олиб қайтмасагина, мустасно», дедилар.<sup>1</sup>*

Аллоҳ таолодан билган нарсалиримизни манфаатли қилишини, манфаатли нарсаларни ўргатишини сўраймиз. Албатта, У Саҳий ва Карим Зотдир. Набиййимиз Муҳаммадга ва оилаларига кўпдан кўп салавоту саломлар бўлсин!



---

<sup>1</sup> Имом Бухорий ва Тирмизий ривояти.

## Мундарижа

|                                                                              |   |
|------------------------------------------------------------------------------|---|
| Зул-ҳижжа ойининг аввалги ўн кунининг фазилати ..1                           |   |
| Муқаддима.....                                                               | 2 |
| Зул-ҳижжа ойининг аввалги ўн кунининг фазилати ..3                           |   |
| Зул-ҳижжа ойининг аввалги ўн кунида бажариладиган амалларнинг фазилати:..... | 4 |



هدية  
HÄDIYAH



## The Encyclopedia of Ar-Rahman's Guests

Selected material for Pilgrims and Um-rah teaching it  
in languages of the world.

